



- * Арча Хоразм учун фойдали дарахтми?
- * Тестдан кейин шпаргалкалар барҳам топди
- * Туркон хотундан алданган Султон Санжар
- * Муҳаммад Алининг қизи яна рингда



Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 Апрель Чоршанба. № 31 (14313)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 апрел куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислон Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, М.Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишини таъкидлади.

— АҚШ Давлат котиби охириги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди,- деди Президент учрашувда.- Ушбу ташриф АҚШ ҳукумати-нинг Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиши ошиб бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт Ўзбекистонга сафари қизиқарли ва айни пайтда самарали кечаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмон бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келганди. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

(ЎЗА)

Яқинда ҳамқишлоғимнинг таклифи билан Тошкент шаҳрининг марказидаги муаззам Хотира майдонига бордик. У урушда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимиз номи муҳрланган Хотира китобини варақлаб, кўзларида ёш билан аста деди: "Мана, бу ерда. Худога шуқр, бор эканлар". Хотира китоби-

ҳалок бўлган кишилар Юнусобод тумани Бўасув бўйида 17 гектардан зиёд майдонда барпо этилаётган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини кўрганда нечоғли мамнун бўладилар. Зеро, бу ёдгорлик юрт ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган барча фидойи ватандошларимиз хотирасига, руҳи-поқларига ҳурмат ва са-

БОБОЛАР РУҲИГА ТАЪЗИМ

да оталарининг исми фамилияси, туғилган ва ҳалок бўлган йиллари ёзилган. Бир сатргина ёзув. Лекин шугина унинг кўнглига бир олам таскин, бир қадар қувонч, қониқиш ҳиссини солган эди. Буни нега ёзяман. Бу уруш қурбонларига ўрнатилган ёдгорлик. Энди тасаввур қилинг. Қадрдон ота-бобоси, ака-укаси ёки бошқа қондоши муста-бид тузум даврида қатағонга учраб,


доқат рамзидир. Шу маънода республика ҳукумати, шахсан Юртбошимизнинг бу масалага алоҳида эътибор қаратаётгани бутун халқимизни беҳад қувонтирди. Зеро, ўтган 1999 йилнинг 12 май куни Президент Фармойишига биноан Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди.

(Давоми 2-бетда)

ХОТИРА БАРЧАМИЗНИ БИРЛАШТИРАДИ

Боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир. Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улугвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак!

Ислон КАРИМОВ



Бугун "Шаҳидлар хотираси" мажмуида қўл-қўлга тегмайди.

Чунки бу ерда асрлар эста оладиган қурилиш ишлари яқунланмоқда. Ишчилар қатори ҳашарчилар — замондош ёшларимиз ҳам савобга шерик бўлишмоқда.

Сураткаш: Алишер ХАМИДОВ



УШМШЛОШШ

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 2000 йил 19 Апрель № 15 (72)

Бўйидаги хотин-қизлар билан ҳаммасига ўзини жавоб бермаган. Сен фақат... ўзини кўра ол. Аялга сираям бундига кўра. Мен билан баласизахат иш бун...

— "Оила никоҳдан бошланади, никоҳ энг аввало Арши аълода ўқилур, кейин эса ерда", деган нақл беҳудага айтилмаган, деди "Туркистон-қатъий назар жамиятга, инсониятга зарар келтирадиган бўлса, вақтида қаттиқ жазо берилишини талаб қилардим. Чунки, ҳар бир нарсада чегара бўлади-да. кенг тушунчага эга бўлмаган ёш қизларимиз, катта шаҳарда, ўткинчи ҳайю-ҳавасларга, ҳиссиётларга берилиб, умр синовларидан ўтолмай, сабр-тоқат имтиҳонидан **маҳкум бўлиш демокчисиз.**

— Албатта, энг оғрикли дамларни маҳалласидаги қизларни "ёр-ёр" билан узатишганда билишади. Сўзим сўнггида

ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ, ҚИЗЛАР

пресс" билан бўлган суҳбатда Юнусобод тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Хадича Атаматова.

— **Хадича опа, туман ҳудудида бир неча олий ва ўрта таълим масканлари бўлиб, унда турли вилоятлардан келган йигит-қизлар таҳсил оладилар. Бугунги кунда ёшлар ўртасидаги адашувларнинг сони кўпаймоқда. Масалан, кимдир "Ҳизбут-тахрир"чиларга эргашса, кимдир алданган, ифбатидан айрилиб, бошини қаерга уришини билмай юрибди. Шахсан сиз, нафақат раҳбар бир она сифатида бу жараёнларга қандай қарайсиз?**

— Саволингиз жуда ўринли бўлди. Президентимиз "Бутун Ўзбекистон болалари менинг фарзандларим" деганларидек биз ҳам туманимизда истиқомат қилаётган, таҳсил олаётган барча йигит-қизларимизнинг тарбияси учун масъулдирмиз.

"Ҳизбут-тахрир"чиларга келадиган бўлсак, кейинги пайтларда ҳар хил варақалар тарқатишда хотин-қизлардан фойдаланишлари, бу эса ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотмайди. Шахсан мен аёлми, эркакми ким бўлишидан



Алданишга келадиган бўлсак, бизни мусулмончилигимизда аёллар қиз бола, эркаклар ўғил бола тарбияси учун жавобгардирлар. Қиз болани ҳаётга асосан она тайёрлайди. Лекин шаҳар билан қишлоқ шароитида тарбия кўрган қизлар дунёқарашини таққослайдиган бўлсак, улар шаҳарликларга нисбатан анча содда, камтар ва ишонувчан эканлигига амин бўласиз. Чунки, улар оналари билан эркин фикрлашиб, сирлашиб, ҳатто балоғат ёшида рўй берадиган ҳолатларни очик айта олмайди. Она билан бола ўртасида қандайдир чегара бўлади. Натижада

енгиладилар. Афсуски, муҳаббат ҳеч қандай нажот бермаслигини, барча иллатларнинг ибтидоси нопокликда эканини, садоқат йўқ ерда поклик ҳам бўлмаслигини жуда кеч англаб етадилар. Бу билан нима демокчиман: ҳар бир аёл, она қизларига, чимилдикча керакли маслаҳатларни, танни топшириш, бола орттириш кечирилмас гуноҳ эканини қайта-қайта уқтириши лозим.

— **Агар фикрингизни тушунган бўлсам, тенгдошлари, маҳалла-кўй орасида чимилдик кўрмай, бир лаҳзалик лаззат кули бўлиш, умрбод лаънатга**

бутун Ўзбекистон қизларига шуни таъкидламоқчиман! Унутмангки, ҳақиқий, илоҳий муҳаббат шайдоси бўлган йигит, сизнинг кўлингиздан тутишга ҳам, юрак ютиб ижозат сўролмайдди. Ўз роҳатини ўйлаб юрган йигитлар эса ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайди. Нозик қалбингизни мажруҳ қилиб, нафақат сизни, ота-онангизни ҳам эл орасида юзини қаро қилади. Ҳар бир ўзбек қизига "ёр-ёр" билан чимилдикча етиш насиб этсин.

Моҳигул СУВОНОВА

Мен уни кўра сизга, оналарга кўра кўради. Оқидан отонинг ҳолини кўра кўради, она билан сизга кўради, она билан сизга кўради. Шаҳарга қайтиб келганидан кейин ҳам Долик мени ҳа ҳақда шунг қўрверларди. Ҳ энди қўйишга аяллик борлишига ҳақнада бир марта, ая...

МЕН
ВАУ

Собиржон МҮМИНОВ: ВАФОСИ ЙҮК, КИШИНИНГ БЕҲУДА ЁРИ БҮЛМАНГ

У катта саҳнага чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ўзининг дардли кўшиқлари билан мухлислар қалбидан ўрин топа олди. Ойнаи жаҳонда ёки кўча-куйда унинг Собиржон Мўминов эканлигини эсламаганлар "Вафоси йўк-ку" дея танишади.

— Муҳаббат мен учун муқаддас туйғу, - дейди Собиржон биз билан суҳбатда. — Уни ҳар нарсага сарфлаш мумкин эмас. Қадрлай олгангагина муҳаббат қўйиш керак. Мени қандай тушунишса ҳам майли. Аёлга нисбатан муҳаббатни тан олмайман. Бу туйғу онага, туғилган, ўсган Ватанга нисбатан ишлатилиши зарур.

— Нимагадир сизнинг кўшиқларингизни эшитганлар бевафоликдан куймаганми-кан, дея ўйлайди.

— Бевафолик ўз қадрига етмаслик, лафзида турмаслик. Биласизми, тўғриси айтман, бу



гунгача кўрган бевафоликларим аёллардан эмас, эркаклардан бўлди. Яхшилик қилган пайтимда ўзимга ёмонлик қайтди.

— **Муҳаббат бобидачи?**

— Худога шукр ҳеч қачон...

— **Ўзингизни қайсидир пайтда бевафоликда айблай оласизми?**

— Йўқ, ҳечам. Ўзим инсонийлик фазилатларини қадрлайман. Биров ёмонлик қилдими, унга яхшилик қилиб таъзирини бергим келади.

— **Шу саволни кўпчиликка берсак албатта биринчи муҳаббатини эсга олади.**

— Бировни чин дилдан севганман деб айта олмайман. Мактаб даврида унча-мунча кўшиқлар айтиб юрардим. Шундан машҳур эдим. Катта синфда ўқийдиган қизлар мактублар ёзишарди. Лекин тўғриси шулар ичидан

биттасини ёқтирардим. Лекин севаман деёлмайман. Унинг нигоҳлари, қарашлари бошқача эди, балки шунинг учун ажралиб тургандир.

— **Рашкчи аёлларга муносабатингиз?**

— Аввало аёл, бекорга аёл деб аталмаган. Аёллик фазилатини йўқотмаган қизларнинг рашк қилгани яхши. Рашк қилдими у сизни севади. Севилмаганингиздан кейин эътиборсиз бўлиб қоласиз.

Мавриди келди, айтиб қўяй, хотиним Назирахон ўта рашкчи. Оила қурганимизга 8 йил бўлди. 2 та ўғлимиз бор.

— **Севиб турмуш қурганмисиз?**

— Йўқ. Хотинимни

тўйдан олдин бир мартагина кўрганман. Ўқишга кетаётган пайтимда онам севган қизинг бўлса унаштириб қўяйлик, деганди. Ўшанда сиз кимни хоҳласангиз ўшанга уйланман дедим. Бу ўртада ўқишни битирдим, онам раҳматли бўлдилар. Уй-жой, машина олиб, ҳеч қандай баҳона қолмагандан кейин. 24 ёшимда катта олам топган қизга уйландим.



— **Оилани нима сақлаб қолишига ишонасиз?**

— Энг аввало ақл, кейин меҳр, ундан кейин севги.

— **Ақбар АЛИ суҳбатлашди**



Қадим ўтган замонда Кўхна Урганч томонда бир подшо бор экан, давлат унга ёр экан, кўшнилари кўп, юртдан кўнгли тўқ экан, эли кўп обод экан, подшо тинч-у, шод экан, оти Одилшоҳ экан, адл унга ҳамроҳ экан. Одилшоҳнинг дунёда биргина қизи бор экан, унинг отини Тўрабек хоним дер эканлар. Бу қиз якка-ягона экан. Тўрабек хоним ўн саккиз ёшга етган, доғруги оламга кетган экан. Узоқ-яқин юртлардан

оламан, деб Хоразм подшоши Одилшоҳ олдиға туя-туя мол-дунё ортиб, совчи юборибди. Одилшоҳ ўйлаиб қолибди: "Агар йўқ дейдиган жавобни берсак, Султон Санжар золим, лашкари кўп, уруш-жанжал зўрайиб, бегуноҳ одамларнинг қони бекорга тўкилади.

Саройдаги одамлар иккига бўлинибди. Бир хиллари: "Уруш қилмайлик, қизингизни Султон Санжарга бера қолинг", - дейишибди, иккинчи тараф: "Урушамиз", - дебди. Подшо Тўрабек хонимнинг ўзидан маслаҳат

экан.

Султон Санжар мозий мана шу манзилга етганда: "Шу манзилга тушинглар, чодирлар тикилсин! - деб буйруқ берибди, ўзи отидан тушмай Амударё қирғоғига қараб бораверибди. Дарё икки қоя оралиғидан сиқилиб оқадиган тор жойга келиб тўхтабдида, ўйга чўмибди. Эртаси кунни жами лашкарларига буйруқ чиқарибди: "Дарё сувини боғлаш керак, Амунинг суви Ўзбойга қараб оқсин, Хоразмга бир қатра ҳам сув кетмасин. Тоғдан тош кесиб тўғон қилинглари!" деб буйруқ қилибди. Минг-минг аскарлар кеча-ю кундуз ишлаб тоғ-

хайр, отажон, хайр юртнинг катталари", дебди-да саройдан чиқиб отланибди, қирқта мулозимини олиб, узоқ сафарга чиқибди. Юртнинг бошига тушган офатдан нима қилишини билмай, боши қотиб қолган Одилшоҳ ҳам биттаю-битта қизини истагига қаршилик кўрсатмабди.

Тўрабек хоним, шундай қилиб йўл жабдуғини ҳозирлаб қирқта мулозимларини олиб оғир ва узоқ сафарга отланибди. Лекин ўйлаб қўйган ўйини ҳеч кимга айтмабди, ҳатто унинг яқин маҳ-

дан оқмагунча узангидан оёғимни узмайман деб қасам ичганман, чўллаб-қақраб ётган ерлар яна сувга тўймагунча, боғлар яна гуллаб яшнамагунча, мен ором олмайман", дебди. Султон ҳам отланиб йўлга тушибди. Аму бўйлаб кетаверишибди. Охир тўғон бошига етишибди. Султон Санжар аскарларига: "Тўғонни бузинглари!" деб буйруқ берибди. Тўғоннинг бир томони озроқ очилган экан, тўлиб жўшиб турган Аму суви бор кучи билан қаттиқ ҳайқириб, тўғонни уриб, бир пасда уни вайрон қилиб, тош қумларини, қирғоқларни ювиб кетибди, тўғондан асар ҳам қолмабди. Шунда Тўрабек хонимнинг қувлиги маълум бўлибди.

Тўғон вайрон бўлиб, Аму ўз йўли билан оқа бошлаганда, Тўрабек хоним ўзи мингган учқур жийрон биясига қамчи босибди. Султон Санжар: "Бу нима қилар экан?" деб оғзини очиб тураверибди.

Тўрабек хоним Султон Санжар олдиға келаётиб, қирқта энг яхши қулунли бияни танлаган экан Хоразм юртидан Султон Санжар турган ерга қадар бир манзил-бир манзил узоқликда бияларнинг қулунларини алмаштириб боғлаган эди. Тўрабек хоним мингган бия қирқинчи бия бўлиб, унинг боласи ўттиз тўққизинчи манзилда қолдирилганди. Тўрабек хоним мингган бия боши қўйилган ҳамон худди учар қушдек ўз боласи томонга қараб учибди. Султон Санжар қизининг орқасидан қирқта йигитни қувдирибди. Лекин қиз аллақачон кўздан ғойиб бўлиб кетганди.

Изоҳ: Тўрабек хоним Туркон хотун лақабли тарихий шахс.

ТўРАБЕК ХОНИМ

манман деган шахзода-ю, хонвачча-бекзодалар Тўрабек хонимни хотинликка оламан деб умид билан келар эканлар, лекин Тўрабек хоним барини мот қилиб қайтарарди. Тўрабек хоним хушторларига шарт: газал айтишда энгиб чиқса, от чопишда ўзиб кетса, қилич ўйнашда устун чиқса, шу одамга хотин бўламан. Лекин ҳеч ким бу қизга бас келиб, қўйган шартларини адо этолмасди.

Кунлардан бир кун Марви деган юртнинг подшоши Тўрабек хонимнинг таърифини эшитиб, ўзини кўрмай, ошиқ бўлиб қолибди. Бу подшонинг отини Султон Санжар мозий дер эканлар. Унинг лашкари сон-саноксиз, ўзи кўп золим экан, ҳеч тинч ўтирмай доим бошқа юртларнинг подшолари билан жанг-жадал қилавераркан. Қисқаси Султон Санжар Тўрабек хонимни хотин қилиб

сўрабди. Тўрабек хоним ҳеч нарса демасдан. Султон Санжарнинг хати орқасига "Ахмоқ ўзини мақтар, кучингни майдонда кўрсат", деб ёзиб, совчиларнинг юзига қора суртиб Хоразм тупроғидан ҳайдабди. Султон Санжар мозий бундай жавобни олгандан кейин, жуда ғазабланиб, сон-саноксиз лашкарларини олиб Хоразмга юриш қилибди.

Хоразм юртига яқинлашганда, Одилшоҳнинг аскарларига дуч келибди, икки лашкар ўртасида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жанг-жадал бўлибди, олти ой уруш бўлибди, икки томондан жуда кўп одамлар нобуд бўлиб, лекин ҳеч ким энголмабди.

Султон Санжар мозий ноилож, лаби-лунжи буришиб, дами ичига тушибди.

У замонларда Амударё Туямўйин билан Питнакнинг ўртасига келганда иккига ажралар экан, бири ҳозирги йўли, иккинчиси кун ботарга қараб, қум ошиб Улли денгизига бориб қуйилар

дан тош келтириб тўғон ясабдилар, уч ой деганда Амударёнинг суви боғланибди, сувнинг бари Ўзбойга қараб оқибди. Амударёнинг суви қуриб қолгандан кейин Хоразм юртнинг аҳволи танг бўлибди, экинзорлар қуврабди, боғлар ҳазон бўлибди, юртда қаҳатчилик бошланибди. Юртнинг катталари йиғилиб, Одилшоҳнинг олдиға боришибди: "Подшоҳим эл-юртнинг аҳволи жуда танг бўлиб қолди, ҳали уч ой ўтмай юртда қаҳатчилик, бошланди, бундан кейин аҳволимиз не кенгай! Қизингизни Султон Санжарга бериб, юртни бу офатдан қутқармасангиз бўлмас!" дейишибди.

Одилшоҳ қизини чақиртирибди ва бўлган гапни унга айтибди. Тўрабек хоним бироз ўйлаб турибди-да, отасига қараб: "Жон ота, мен элу-юртнинг тинчлиги учун ўзимни қурбон қиламан; мен Султоннинг олдиға кетдим. Агар Амунинг сувини келтирмасам, сизнинг қизингиз эмасман, бундан буён юз ҳам кўришмасмиз,

рамлари ҳам ҳеч нарсдан хабарсиз эканлар. Султон Санжар гўзал маликани кўриб, ақли лол бўлибди, унинг ҳусни жамолига қойил қолибди. Лекин ҳаммасидан ҳам эл-юрт деб ўзини қурбон қилган жасорати, доғруклиги уни танг қолдирибди. Султон ҳайратдан бармоғини тишлабди.

Султон Санжар мозий Тўрабек хонимнинг олдиға келиб, қўл қовуштириб салом берибди, "Қани, маликам, отдан тушсинлар, саройда дам олсинлар, узоқ йўл сиздек нозик қизни жуда қийнаб қўйгандир", дебди. Бирок Тўрабек хоним, Санжар мозийга қараб амирона: "Мен сенин олдинга ёлғиз ўзим келдим, сен шуни истаган эдинг. Юрт хароб бўлмасин, халқ офатдан қутулсин, сен тўғонни бузишга буйруқ берсан, тўғон очилиб, сув яна ўз йўлида оқсин, шундай қилсанг, мен доим сенин олдинда қоламан" дебди. Султон Санжар: "Қани отдан туш, саройга кириб бироз ором ол" дебди. Тўрабек хоним унамабди, "Мен ўз халқимда Амунинг суви ўз йўли-



Ўсмирлик! Кўнгил тўла гул хаёллар. Борлиққа янгича нигоҳ. Бир дунё орзу-ҳавас. Илк журъат, илк ҳаяжон, илк муҳаббат... Бу туйғуларнинг бари-бариси ўсмирлик оламида ажиб қизиқишу интилишлар, руҳий манзаралар яратади. Худди шу даврда ўғил-қизлар онгида қандай ўзгаришлар юз беради? Уларнинг руҳий дунёқарашига катталар қай муносабатда бўлиши керак? Хуллас, бугунги ўсмир оилани қандай тушунади? Қай тарзда таҳлил эта-

қалади. Шунингдек, ўсмирларда юракнинг ўсиши қон-томирлар ўсишидан илгарилаб кетади. Оқибатда қон босими ортади ва биринчи навбатда юрак иши қийинлашади. Бу эса ўғил ва қиз болаларда кўпинча бош айланиши, рангининг оқаришига олиб келади. Бош оғриғи, тез толиқиш, вақти-вақти билан ланж бўлиб туриш ҳам худди шу даврда юз беради. Ўсмирнинг ҳиссиёти ўзгарувчан, қарама-қарши бўлиб қолади, таъсирчанлик ҳолати тортинчоқлик ҳисси билан қоришиб кетади. Ишчанликнинг сусайиши, асабийлик, сержаҳллик (қизларда йиғлоқлик) кузатилади. Бу даврда ўсмир шахси жадал шакллана боради, улғайиш ҳисси қарор топади, энди у қарама-қарши жинс вакилларига ўзгача муносабатда бўлади ва уларга қизиқиш ортади.

— Сизлар “автономия” деб атайдиган мустақиллик туйғуси ҳам ўсмир ёшларда худди ана шу

ларини шахсан ўзи ҳал қилишга интилади. Маконий автономиянинг характерли томони шундаки, бола эндиликда ўз хонасида ёлғиз қолишни, ўз орзу-хаёллари билан банд бўлишни истайди. Бу ёшдаги ўғил-қизлар кўнглидагини ўз ота-онасига эмас, балки ўртоқларига айтишни лозим топадилар. Ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Ўсмир руҳиятидаги бу ҳолатлардан айрим ота-оналар ташвишга тушишади. Бу эса ўсмир ва ота-оналар ўртасида низолар келиб чиқишига олиб келади.

— Демак, ота-она боланинг автономиясига “бостириб кириши” мумкин эмас эканда?!

— Худди шундай. Биласизми, оила юритишнинг асосида иқтисодий хўжалик ишлари ётади.

“Оилада пул кимда туриши керак?” Ҳар оила бу масалани ўзи ҳал этади. Лекин, даромадни ўсмирнинг кўз олдида режалаштириш, уларни ҳам



нинг эса 26 фоизи илк севги ҳисларини бошдан кечираётган бўладилар. Бу ҳолат 15-16 ёшли ўғил болаларда 17 фоизни, шу ёшдаги қизларда эса 30 фоизни ташкил қилади. Машҳур руҳшунос олимларимиздан бири ўғил-қизлар орасидаги ўзаро интим муносабатларни

ЎСМИР ОИЛАНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

“Ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини, бири-бирига тиббий ва жисмоний тарзда мослигини ўрганиш лозим...” (Президентимизнинг “Соғлом авлод” давлат дастурини бажаришга доир берган устувор йўналишларидан).

ди? Келажакка иштиёқи қанақа бўлади? Оилавий муҳаббатга муносабати-чи? Психология фанлари доктори, профессор Файрат Шоумаров билан суҳбатимиз ана шу мавзулар хусусида кечди.

— **Файрат Бахромович, ўсмирлик сиз психологлар таъбирича, “ўтиш даври” дейилади. Ушбу даврнинг оғирлиги, кескинлиги ва мураккаблиги уларнинг қай хусусиятларида кўпроқ кўзга ташланади?**

— Аслида ўсмирлик болалиқдан ёшлиққа ўтувчи вақт бўлиб, 11-12 ёшдан, 14-15 ёшгача ўтадиган вақт оралиғида кечади. Айрим ўғил-қизларда бу давр бир-икки йил эрта-роқ ёки кечроқ кузатилиши мумкин. Ўсмирликнинг мураккабликлари психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Худди шу ёшда ривожланишнинг барча жиҳатлари (жисмоний, ақлий, ахлоқий)нинг мазмун-моҳияти ўзгаради. Яъни, ўсмирнинг ҳаёти, руҳияти, танасининг физиологик ҳолатларида жиддий янгилашлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда эса уларнинг феълу-атворида бири-бирига қарама-қарши бўлган турлича анъаналар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди “бола” эмас ва шу билан бирга ҳали “катта” ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга муносабати бошқача тус олади, қизиқишлари қайта шаклланади, ўзини англаши, баҳолаши, қадрлаши ўзгаради. У ўз “мен”ини ярата боради.

Ўсмир йигит-қизлар руҳиятида кузатиладиган характерли хусусиятлардан бири жиззакилик, қўрслик, таъсирчанлик ва салга хафа бўлавериш ҳиссининг пайдо бўлишидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига сабаб ўсмир танасида рўй берадиган психолофизиологик ўзгаришларга бориб та-

пайтда юзага келадими?

— Ўсмирлик автономияси бир неча турларга бўлиб ўрганилади. Шулардан биринчиси — ҳуқуқий автономия, яъни бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга бериладиган ҳуқуқий имкониятлардир.

Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз б е р и ш ҳуқуқига эга бўлади. Мабо-до ота-онаси ажраб кетгудек бўлса, ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола хоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек, бу даврда бола расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши мумкин. Унда ўз ҳаракати учун жавобгарлик масъулияти пайдо бўлади.

Иқтисодий автономиянинг аҳамияти шундаки, ўсмир энди ота-онасига тўла тобе бўлмайди, балки ўзи ишлаб топган даромадига ўз эҳтиёжларини қисман қондириши мумкин. Эмоционал автономия эса, ўсмир илгаригидек ота-онасининг эркалашига, рағбатига муҳтож бўлмайди. Балки катталар томонидан кўрсатиладиган илтифот энди унга эриш туюлади, силаб-сийпаб, олқишлашларини “ёқтирмайди”. Аксинча, у катталардан холироқ бўлишга, муаммо-

бу ишга жалб этиш фойдалидир. Баъзан бир ойлик даромадни ўсмир ўғил ё кизга қўйиб, зарур харажатларига ишлатишни назорат қилиб бориш лозим. Шунингдек, зерикарли бўлган

айрим ишларга болаларни қизиқтириш зарур. Кейинги йилларда ёшлар шахсининг шаклланишида телевидениенинг таъсири кескин ортиб бормоқда. Демак, ўсмирларнинг кўрган, эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришида ва у ҳақда хулоса чиқаришида оиладаги катталар ҳам воситачилик қилишлари лозим. Акс ҳолда ўсмирнинг онгида ҳаётга, оилага нисбатан нотўғри тасаввурлар пайдо бўлиши мумкин.

— **Файрат Бахромович, ўсмирлик олами илк муҳаббат туйғулари билан янада сөхрлидир. Ўғил-қизларда шу илк севги баробарида оилага муносабат ҳам шаклланадими?**

— Албатта. Ҳали айтганимдек, ўсмирлик ёшидаги болаларда эркак ва аёл шахсига, уларнинг ўзаро муомаласига қизиқиш кучаяди. Психологик кузатувларга кўра, 13-14 ёшли ўғил болаларнинг 40 фоизи, қизлар-

ўрганиб, уни уч турга бўлади: яъни, уйғун турда қизу йигитлардаги ахлоқий тушунчалар шаклланган бўлиб, улар оилавий ҳаётга бир мунча аниқ қарашади. Олий романтик турда эса севги идеал ҳолда бўлиб, ҳаётдаги борлиқ билан тўқнашганда барча тасаввурлар парчланади. Маънавий камбағал тур — бунда ёшлар муҳаббатни нотўғри тушунадилар. Севгида маънавий яқинликни кўра билмайдилар.

Ўсмир ёшлар кейинги йилларда илгаригига нисбатан анча тез баҳолатга етишмоқда. Баъзи йигит-қизлар “эркин ҳаёт”, “эркин муҳаббат”ни нотўғри тушуниб, маънавий ахлоқсизликка йўл қўйишяпти. Натижада уларда оилага нисбатан носоғлом дунёқараш шаклланаётир. Демак, хонадонларда, мактаб ва маҳаллалар ҳамда ўқув даргоҳларида маънавий тарбияни янада кучайтиришимиз, ёшлар орасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этишга имкон қадар тезроқ киришмоғимиз шарт. Бу муҳим вазифага нафақат психологлар, балки шифокор ва олимлар, кўп йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган кишилар ҳам масъулият билан ёндашишлари лозим. Шундагина бугунги ўсмир ҳаётни тўғри талқин этади, турмушни очиқ-ойдин тушунади, унда оилага нисбатан соғлом тасаввур уйғонади. Ушбу йилимизнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳам мана шу.

Гулчехра ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди





Кишлоқнинг никоҳ тўйларида бўлганмисиз?

Келин тушаётган уйда қилинадиган ўзбекона ирим-сиримларда ажойиб хосият бор. Бу вақтда келин-куёвнинг қариндош-уруғлари оппоқ ниётлари ёр-ёрга, ўланларга солиб айтишади. Чирманданинг шўх товушлари ичра дилдаги ардоқли орзу-истаклар тилга кўчади.

Бизнинг кишлоқ тўйларида қайлигини олиб кетиш учун келган куёвга қиз томон пешвоз чиқиш мана бундай дейишади:

— **Офтобим, анбарим, хуш келдингиз,**

Боғу-мулким сарвари хуш келдингиз.

Ой ва кун сиз учун муштоқ эди, Жон қизимиз сизга бахшида хуш келдингиз...

Куёвниги дугоналари, янгалари қуршовида келган қизни йигитнинг онаси қаршилайди. У келинига қара-

та бундай дейди:

— **Ойдай, ойнадай келиним, Оппоқ упадай келиним. Шуъласи бир шаҳарни олган, Хусни чамандай келиним...**

Келин чимилдиққа киргач, ҳаммага салом қилиб, таъзимда туради. Бирор соатча вақт ўтгач, аёллар "Ўтиринг, келинжон, толикдингиз, кўп яшанг" дейишади. Шунда келин ўтирмасдан тик тураверади. "Қайнонасини чақиринглар, келинга атагани бормикан" дейишади аёллар. Қайнонани чақиртиришади.

— Битта сигиримни бердим, келинжон! - дейди қайнона.

Келин ўтирмасдан тик тураверади. "Йўқ, бўлмайди!" дейди уй тўла аёллар ке-

ўтиради.

Эртаси келинни саломга олиб чиқадилар. Қишлоғимизда аслида келин саломни билмаган кишининг ўзи йўқ. Лекин саломни кекса момолар айтишса бошқача жаранглайди.

Улар мана бундай салом-салом ай-



"ҚАЙСАР" КЕЛИНЧАК

линомидан гапириб.

— Боғларим, ҳовли-жойим сеники, - дейди қайнона.

Келин ўтирмайди. "Бўлмайди!" дейишади аёллар яна.

— Уйимиздаги буюмларнинг бариси сеники, айланай, - дейди қайнона.

— Бўлмайди, бўлмайди, - дейишади аёллар.

— Кўзга сурганим, шунқорим ўғлим сеники, - дейди қайнона.

Шундагина келинчак жойига бориб

тадилар:

— **Ўғлим бор деб керилган, Кўришишга эринган, Қайнонасига салом!**

Кўрада мингта кўйи бор, Бошида мингта ўйи бор, Қайнонасига салом!

Меҳмон келса: "Хўш" деган, Меҳмонхона бўш, деган, Кўшиларига салом!

Шу тарзда куёвнинг барча узоқ-яқинларига бирма-бир салом қилинади. Бу саломларда тилга олинган ҳар киши-

нинг феъл-атвори, яхши фазилатлари ҳам кўшиб айтилади.

Никоҳ тўйларида айтилади-ган ёр-ёрлар, келин салом ва яллаларнинг тури шунчалар кўпки, беихтиёр "Халқимизнинг қонида шоирлик бор!" дегинг келади. Аслидаям шундай-да! Тўйларимизга кўрк олиб кирадиган ёр-ёрлар яна қай халқда бор? Момоларимиз дил-дилдан суюб айтган шундай ёр-ёрлар йўқолиб кетмасе... Янада жўшқинроқ айтилса саз бўлар эди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА, Самарқанд вилояти, Хўжа Исмоил кишлоғи

СИЗ КИМ: СИРЛИ МАХБУБАМИ ЁКИ...

Бошқаларга ёқмиш учун одамларга таъсир эта билиш, ўзининг кимлигини ҳақиқатасавурга эга бўлиш лозим. Қуйидаги саволларга қандай жавоб беришингизга қараб феъл-атворингизни аниқлаш мумкин

1. Йигитингизнинг дўстларига ишонмайсиз.

- а) улар билан тил топишга ҳаракат қиласиз - 0;
- б) уларни ёқтирмаслигини яширмайсиз - 3;
- в) уларни уйингизга яқинлаштирмаслик учун турли йўللари кидирасиз - 2;
- г) уларга мунтазам совуқ муомалада бўласиз - 1.

2. Ўртангиздаги зиддиятлар кучайди. Аммо у ўз айбини бўйнига олмаяпти.

- а) зиддиятлар чуқурлашмаслиги учун нима деса "хўп" дея қоласиз - 0;
- б) жанжаллашасиз - 1;
- в) ҳамма нарсани ҳазил-хузулга буриб, вазиятни юмшатишга уринасиз - 2;
- г) у ҳамма нарсага ортиқча баҳо беришини тушунтирасиз - 3.

3. Дўстлар билан учрашиш учун кун бўйи тайёргарлик кўрган эдингиз. У эса сиз билан маслаҳатлашмай, учрашувни бекор қилди.

- а) боғлаб ундан ўч оламан - 0;
- б) унга тушунтиришга ҳаракат қиласиз - 2;
- в) кўз ёши тўкиб, унинг ҳам кўнглини хуфтон қиласиз - 2;
- г) хафа бўлиб, бир неча кун дугонангизниги кетиб қоласиз - 3.

4. Тасодифан эрингизни сизга нотаниш аёл билан те-

лефонда гаплашаётганини кўриб қолдингиз. Сиз:

- а) ҳеч нарсани сезмагандай, гўё телефон китобчасини кидириб унинг ёнига бориб оласиз - 3;
- б) ўзингизни ҳеч нарсани сезмагандай тутасиз - 1;



- в) босган ҳар бир қадамни текшириб юришим керак экан, деган фикрга борасиз - 2;
- г) ҳазил-хузул билан уларнинг суҳбатига аралашасиз - 0.

5. У телефон қиламан деган эди, аммо ўша кунни ҳам, эртасига ҳам кўнғироқ қилмади. Сиз шунда:

- а) унга ўзингиз телефон қилиб,

нега кўнғироқ қилмаганининг сабабини сўрайсиз - 2;

- б) телефон олдидан нари кетмай, унинг кўнғироғини кутасиз - 0;
- в) хотиржам ўз ишингизни қилаверасиз - 3;
- г) унга ҳеч нима демай, бир неча кунга гойиб бўласиз - 1.

6. У базмда дугоналарингизга очикдан-очик хушомад қилиб юради. Сиз:

- а) у кимларгадир ўхшаб қолаётганини киноя билан эслатиб қўясиз - 1;
- б) худди шундай йўл билан ўч оласиз - 0;
- в) унинг олдидан бир қадам ҳам жилмайсиз. - 3;
- г) унинг бу қилиғига кулиб қўя қоласиз - 2.

7. Сиз театрга чипта олган эдингиз. У сўнги дақиқада бора олмаслигини айтди. Сиз:

- а) уни кечиртиришга ҳаракат қиласиз - 0;
- б) бундай спектаклни қолдирмаслик учун театрга ёлғиз борасиз - 1;
- в) театрдан воз кечиб, у қаерга деса, ўша ерга отланасиз - 1;
- г) жаҳлингиз чиққанлигини яширмайсиз, ундан қасос олиш режаларини тузасиз - 3.

8. Бирор базмда у Сизни кўп вақт эътиборсиз қолдирди. Сиз:

- а) ундан ўзингизни бегонадай нари тутасиз - 3;
- б) вақти-вақти билан ўзингиз-

нинг ҳам борлигингизни унга эслатиб турасиз - 2;

в) тўғри келган эркак билан "тил топишиб" кетасиз - 1;

г) уйга борганида адабини бериб қўйишни ўйлайсиз - 0.

9. У учрашувга 40 минут кеч келди. Сиз:

- а) албатта куттириб қўйганини юзига соласиз. Аммо тезда уни кечирасиз - 0;
- б) у келаётганини сезгач, худди уни кўрмагандай кетишга чоғланасиз - 1;
- в) сабр-тоқат билан кутасиз ва келгач, хайрият дея, енгил тин оласиз - 2;

г) боғлаб жанжал кўтарасиз - 3.

10. У турли сабабларни рўқач қилиб, Сиз билан учрашишдан бош торта бошлади.

- а) муносабатларингизга аниқлик киритиб олиш учун катта жанжал бошлайсиз - 3;
- б) ундан қаттиқ хафа эканлигингизни билдириб қўясиз - 2;
- в) сиз ҳам ишингиз кўплигини, вақтингиз йўқлигини билдириб қўясиз - 1;
- г) у ҳам танийдиган бирор киши билан "севишиб" қоласиз - 0.

Ҳурматли Рихси опа Маҳамадхонова!

Сизни таваллуқ топган кунингиз билан тил дилдан мувоабқод этамиз. Сизга узоқ умр, тил-тоғув ҳаёт тилаймиз. Бахтинизга ҳақиқат соғ бўлиш.

Яқинларингиз

Севишли ШЕРЗОДЖОН АБДУСАТТОРОВ!

Муштан кунинг мувоабқод бўлсин. Сени Муҳаббат қўши ҳақиқат асрасин. Сихай-салолат бўл. Барганини ҳаваси келадиган, ҳамма орзу қиладиган бахт соҳиби бўлишингни тилаб қоламиз.

Рома ака, Роза опа, Эльвира

Натижаларни ҳисобланг

0 дан 6 баллгача. Сиз эркакларнинг феъл-атворини жуда яхши биласиз. Уларнинг ожиз томонларидан фойдаланиб, кўнғироқ қилиб уйнашни ёқтирасиз. Фақат хоинликни кечира олмайсиз. Ҳазил-хузулга, қийин вазиятдан кулги билан чиқиб кетишга устасиз.

7 дан 14 баллгача. Сизнингча ҳамма эркаклар бирдай. Улар билан муносабатда инжиқсиз, фақат ўзингизни ўйлайсиз. Баъзан эркакларни ўзингизга тобе қилиб олишга эришасиз. Сиз сирли, тушуниш қийин бўлган махбубасиз.

15 дан 23 баллгача. Зиддиятлардан, севган кишингизни йўқотиб қўйишдан кўрқасиз. Ҳаммага ишонаверасиз. Кўпинча Сизнинг бу ҳислатларингиздан ўзингизга қарши фойдаланадилар. Ўз кадрингизга етишни ўганинг. Эркакларга нисбатан хушёрроқ муносабатда бўлинг.

24 дан 30 баллгача. Сиздаги ишончсизлик, ортиқча эҳтиёткорлик, айёрлик юракларни қийноққа солади. Бу одамларни севиш ва уларга бўлган ишончни ўлдириши мумкин. Сиз севган йигит Сиздан меҳр-муҳаббат талаб қилади. Сизнинг эса баъзан жаҳлингиз бурнингизнинг учидан туради. Табиатан аёлларга хоо бўлган нафосат, меҳр, кўнғилчанлик ва кечирувчанликка эга бўлинг.

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ШОҶА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА, ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

Иктидорларимиз

— Дилбар, яқинда кўрсатуvingиз 2 ёшга тўлибди. Лекин оз фурсат ичида кўплаб мухлислар орттирди.

— Ростини айтсам, барча муваффақиятимиз тинимсиз меҳнат эвазига кўлга киряпти. Тўғриси, бошида кўрсатув мухлислар томонидан тан олинмаганди. Шундан кейин қаттиқ ишлашга, янада изла-

нинг ўзи меҳнатимизга берилган энг холис баҳо деб ҳисоблайман.

— Кўрсатув ўз-ўзидан тайёр бўлмайди. То эфирга чиққунча таклифлар, маслаҳатлар, кези келганда қаршиликлар...

— Кўрсатув тайёрлаш жараёни ўзига яраша муаммоси билан янада гаштли. Гоҳида сценарий ёзилганда, суратга тушириш жараёнида ёки монтаж столида

зах, Андижон, Наманган, Самарқанд вилояти мактабларида бўлиб, болалар ҳаётидан бир неча кўрсатувлар тайёрландик. Хуллас, биз барча болаларни сева-

— “Бўш ўтирма” ижодкорлари бўш вақтларини қандай ўтказишади?

— Тўғриси айтсам, ижодий гуруҳнинг бўш вақтининг ўзи йўқ. Режиссёримиз Улуғбек Ғиёсов “Бўш ўтирма”дан ташқари кўплаб кўрсатувларга ҳам режиссёр-

СУЛТОН БЎЛМАГАНИ ЯХШИ

Брунея султонининг укаси Джефри Болкиахнинг қийин кунлари бошланди. У сўнги ўн йилда давлат хазинасидан 3 миллиард доллар маблагни еб тугатгани аниқланди. Шу боис мамлакат олий суди шаҳзоданинг ҳақалак отган нафсини тийиб қўйиш лозим деган фикрга келди ва унинг ортиқча харажатлари чек қўйиб, бир ойда 50 минг доллар миқдорда маблаг ажратди. Шаҳзоданинг адвокатлари олий суд ҳукмидан норози бўлиб, Джефрига ойига камида ярим миллион доллар сарфлашига рухсат беришларини талаб қилди. Адвокатлар бу талабнинг қанчалар адолатли эканлигини исботлаш учун шаҳзоданинг қарамоғидаги одамларни ҳисоблаб чиқишди. Уларнинг даъволари-га қараганда, шаҳзоданинг тўрт нафар шаърий хотини, 35 нафар боласи, ҳармида эса ҳисобсиз жорийлари; булардан ташқари унинг 2 минг автомобили, 17 та самолёти ва бошқа кўплаб техника воситалари, жиҳозлари бор экан. Буларнинг ҳаммаси маблаг талаб этади. Суд шаҳзоданинг хотинлари ва болаларининг “аҳоли оғирлашиб” қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, султоннинг авлодига ҳар ойда қўшимча 300 минг доллардан хайрия бериш лозим деган қарор чиқарди. Ҳарқалай, султоннинг авлоди бўлиш Брунеяда ҳам осон эмас экан.

“Бўш ўтирма”нинг Бўш вақти



нишларга тўғри келган. Ўша кунларни эсласам, руҳимни кўтариб, тўғри ва самимий ёрдамларини аямаган устозларимга мингдан-минг раҳмат айтгим келарди. Меҳнатингга яраша баҳолай оладиган ҳалол раҳбарнинг иктидорларини кашф бўлишига, униб-ўсишига сабаб бўларкан.

— Нима учун айнан болалар би-

битта муаммо чиқиб турарди. Улуғбек ака билан ҳамкорликда ҳамма вақт кўрсатуvingни муваффақиятию, камчилигини бирга баҳам кўрамиз. Баъзан сценарий яхши ёзилади-ю, съёмка ёки монтаж жараёнида кўнги тўлмаётган вақтлар ҳам бўлади. Лекин бу камчиликлардан устун келувчи бир мўъжиза бор. Бу болалар! Бошловчилар болалар бўлгани учун ҳам кўп камчиликлар юзини ёпиб юборади.

— Бошловчилар ҳақиқатдан ҳам болалар. Деярли барчаси Тошкентда яшайди. Лекин олис қишлоқларда



лик қилади. Тасвирчимиз Хусан Тўхтаев иш билан бирга шофёрлик курсида ўқийди. Техника муҳандисимиз Зафар Абдусаматов талаба, ҳам ўқиб, ҳам ишлайди. Ўзим эса ҳамма вақт иш билан бандман. Бўш вақт топилгудек бўлса, ота-онам бағрига чопаман. Ижодий гуруҳимиз билан роса топишганмиз. Мақтаниш эмас, исмишимиз жисмишимизга монанд.

— Эндиги режалар...

— Бу йил болаларга жисмоний ва маънавий тарафдан эътибор кучайди. Уларни етук ва баркамол шахс бўлиб етишувига қатор имкониятлар етарли. Бизнинг вазирамиз эса — имкониятлардан тўла фойдаланётган иктидорли болаларни кўрсата билиш, уларни юзага чиқариш бўлса, иккинчи томондан биз тайёрлаётган кўрсатувлар орқали уларни эркин фикрлашга, баҳслашишга, ўз сўзини дадил айта оладиган, ютуқ ва камчиликларини тўғри баҳолай оладиган инсон бўлишига ёрдам бериш. Ижтимоий-маънавий роликлар тайёрлаш, уларни сифатини янада ошириш ҳар тонг, ҳар тун ҳаёлимизда. Болалар учун махсус видеофильмлар яратиш ниятимиз бор.

Нилуфар ДАВИДОВА

ПЕЙДЖЕР БИЛАН КЎМИШДИ

Янги украинларни пейджер билан кўмиш одати пайдо бўлди. Пейджер алоқаси орқали марҳумга “тўққиз” ва “қирқ кун” маросимлари ҳақида хабар берилади.

Яқинда Мориупол шаҳрида лўлиларнинг баронини дафн этишди. Тобутга дуо китоби билан пейджер солиб қўйилди. Марҳумнинг қариндошларидан бири алоқа бир томонлама бўлгани учун тобутга қўл телефони қўймадик, деди.

ОТАСИНИНГ ҚИЗИ

Афсонавий спортчи Муҳаммад Алининг қизи Лайло Али бокс соҳасида борган сари юксак натижаларга эришмоқда. У Дейтройт шаҳрида ўтказилган жангда рақибасини яна нокаут қилди.

МуСОБАҚА бошланишидан беш минут олдин Муҳаммад Али залга кириб келганида уни қарсақлар билан кутиб олишди. Поркинсан хасталигига чалинган бу машҳур боксчи қизи Лайлонинг ҳар бир муваффақиятидан боши осмонга етмоқда.

Етмиш олти килограмм вазнлик Лайло Корен Билл билан бўлган бу учрашувда жуда қийинчилик билан галабага эришганини тан олди.

Дилбар Раҳмонова — 1973 йилда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. У.Юсупов номли мактабнинг собиқ, лекин соғинчли ўқувчиси. А.Қодирий номли Маданият олийгоҳининг театр ва оммавий байрамлар режиссураси куллиётини тамомлаган. “Ёшлар” телеканали “Янги авлод” студиясининг “Бўш ўтирма” кўрсатуви режиссёри

лан ишлайсиз?

— Болалар билан ишлаш менимча пешонамга ёзилган. Мактабни битиргач, ўқишга киролмай, кейин ўзим ўқиган мактабда етакчилик қилдим. Илк бор “Катта танафус” кўрсатувида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишладим. Бевосита Суннат ака Кўзиев кўмагида “Бўш ўтирма”ни ташкил қилдик. Баъзан ўйлиниб қоламан, катталар учун кўрсатув тайёрлаганимда шунчалар кўп мухлислар орттира олар эдимми, йўқми дея... Болалар дилидан жой олиш, уларнинг меҳрига сазовор бўлиш-

яшайтган мактаб ўқувчилари ҳам бу кўрсатувни олиб боришни орзу қиладди. Сиз бу муаммони қандай ҳал қилган бўлардингиз?

— Шароит кўтарса-ку... Биласизми, узок туманлар, олис қишлоқ мактаб ёшлари ҳам иктидорга, ажойиб талантга эга ўғил-қизлар. “Бўш ўтирма” кутисини ҳам улардан келган орзули мактублар тўлдириб ётибди. Ниятимиз “Соғлом авлод” йилида шу мактублар асосида вилоятларга чиқиб, қишлоқ мактаб ўқувчилари билан кўрсатувлар тайёрлаш. Шу вақтгача Жиз-

кураш гиламида кураги ерга тегмаган полвоннигина паҳлавон деб аташади. 1996 йилги Амир Темуру хотира турнирида бош соврин соҳиб бўлган Баҳром Авазов 1998 йилда ўтказилган халқаро мусобақада ўзини бош совриндан маҳрум этган грузиялик Георгий Цминдашвилидан устунлигини майдонда исботлаб, қашқадарёликлар қувончига сабаб бўлди.

БАҲРОМЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, ЮРТИМ

Хар тўрт йилда ўтказиш анъана тусини олган бу галги беллашув Президентимиз соврини учун барлос бобокалонимиз хотирасига бағишланган III халқаро мусобақа бўлди. Ўзбек кураши бўйича хотира турнирлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро баҳсларнинг бош мукофотини кўлга киритишга янгидан-янги талабгорлар чоғланаётди. III анъанавий турнир иштирокчилари ҳам сара полвонлар — кураш, дзюдо, самбо бўйича халқаро мусобақалар голибларидан иборат эди. Ташкилий кўмитта ва хорижлик меҳмонларнинг Амир Темуру ҳайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошланган байрам кайфияти “Ҳисор” ўйингоҳидаги 25 минг нафарга яқин томошабин кўришга ошиқайтган кураш мусобақасига ула-ниб кетди.

бориб, 3-ўринни кўлга киритишимда ана шу курашсевар ишқибозларнинг кўллаб-қувватлаши сабаб бўлди.

Ўзбек кураши ёш танламаслиги исботи сифатида етти ёшли болалар, қизлар ва саксонни қоралаган оқсоқолларнинг кўргазмалари чиқишлари даврага фойз бағишлади. Шундан сўнг, саралаш баҳсларида мамлакатимиз алп ўғлонлари ҳамда хорижлик полвонлар гиламга чиқишди. Дастлабки беллашув самарқандлик Самад Рустамов ва тошкентлик Хуршид Назаров жутфлиги ўртасида кечди. Унда Хуршид Назаровнинг навий паҳлавонларнинг 45 та жутфлик саралаш баҳсларидан кейин ярим финал босқичида Баҳром Авазов ва Эрали Маҳмарасулов, Георгий Цминдашвили (Грузия) ҳамда Цветко Цветков (Болгария) жутфлик беллашувларини барча ҳаяжон билан кузатиб турди.

Шиддатли кечган ушбу жутфлик беллашувларида Баҳром Авазов ва Георгий Цминдашвили бош соврин учун гиламга чиқиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Финалда эса Баҳром полвон Георгийни мағлуб этиши учун бир дақиқаю 45 сония кифоя қилди. У бу галабаси учун Президентимиз томонидан қўйилган “Нексия” автомобили кали-

Бу сафарги нуфузли турнирда аввалги йиллардаги халқаро мусобақа совриндорлари турк ўғлони Салим Татар ўғли, Давид Хохолошвили (Грузия) ҳамда юртдошимиз Таштемир Муҳаммадиев қабилар ҳам гиламга чиқиши мумкин эди. Лекин уларнинг шу йилнинг июль ойида Ўзбек кураши бўйича Анталия шаҳрида (Туркия) ўтажак жаҳон чемпионати ҳамда Сидней Олимпиадасига қизгин тайёргарлик кўраётганилиги сабабли иштирок этмаганлиги ҳақида Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Комил Юсупов матбуот анжуманида спорт журналистларига маълум қилди.

Умуман, 60 нафардан зиёд афсо-

БАЛАНС АО “УЗРТСБ” на 1.01.2000г.

№ п.п	Актив	сумма в тыс. сум	№ п.п	Пассив	сумма в тыс. сум
1.	Остаточная стоимость основных средств.	407 898	1	Уставной капитал	423 305
2.	Остаточная стоимость нематериал. средств.	318	2	Нераспр. прибыль	29 824
3.	Финансовое вложение	11 845	3	Кредиторы	3 695
4.	Производственные запасы	9 808			
5.	Денежные средства	15 460			
6.	Дебиторы	11 321			
7.	Расходы будущего периода	174			
	Итого актива	456 824		Итого пассива	456 824

ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ЗА 1999 ГОД.

№ п.п	Наименование показателей	Сумма
1.	Выручка от реализации	45 090,3
2.	Прочие доходы от основн. и финанс. доходов	30 130,9
3.	Расходы от основной и финансовой деятельности	69 771,1
4.	Финанс. результаты от общехозяйств. деятельности	5 450,1
5.	Чистая прибыль	1 073,1

Достоверность баланса подтверждена аудиторской фирмой “Аудитбир-жасавдо” лицензия №132 от 3.07.1996г. Минфина РУз.

Акционеры желающие ознакомиться с материалами по подготовке к общему собранию могут обратиться по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский р-н., ул. Узбекистанская 53. Тел. 139-83-77, 139-83-79.

УЗА КОЛОМБО. Сўнги йилларда хуфёна тарзда Шри-Ланкадан хорижга жўнатилаётган муҳожирлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар, асосан, Фарбий Европа давлатларига жўнатилмоқда. Маълумотларга қараганда, бундай ишларга юқори лавозимли мансабдор шахслар ҳам аралашаётир. Шу сабаб, мамлакат президенти Чандрика Кумаратунга ҳукумат аъзоларини огоҳлантириб, бундай ишлардан узоқроқ юришни сўради.

1996 йилнинг декабрида амалга оширилган шундай ишлардан бири фожёа билан яқунланган эди. Ушанда Европага йўл олган муҳожирлар кемаси Урта Ер денгизига ҳалокатга учраган ва натижада уч юзга яқин одам ўлганди. Лекин бу билан жиноий бизнес тўхтамади. Маълумотга кўра, ўтган йилнинг ўзида 17 минг киши хорижга жўнатилган. Бундан олинган даромад миллионлаб АҚШ доллари билан ўлчанади.

ХАНОЙ. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Вьетнамга бир миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз ажратишга қарор қилди. ОТБнинг ушбу мамлакатдаги вакили Алессандро Пионинг айтишича, бу маблағ қашшоқликни тугатиш, банк ва бошқарув тизимида ислохот ўтказишга сарфланади. Шунингдек, у ОТБ Вьетнамга бегараз ёрдам тариқасида ўттиз миллион доллар миқдорида маблағ ажратаганини ҳам маълум қилди.

НАЙРОБИ. Эфиопия суди эритреялик беш нафар фуқарони жосусликда айблаб, турли муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди. Улардан бири 15 йилга, қолганлари эса беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатга қамалди.

Маълумотларга қараганда, жосуслар Эфиопия ҳарбийлари фаолиятини кузатиб, бу ҳақда Эритрея томонига мунтазам

равишда маълумот юбориб турган. Шунингдек, улар эфиопиялик деҳқонлар мол-мулкани талон-тарож қилишда ҳам айбланган.

БУЭНОС-АЙРЕС. Фавқулодда ҳолат эълон қилингандан кейин орадан тўққиз кун ўтиб, Боливияда вазият яна барқарорлаша бошлади. Ҳозир мамлакатнинг баъзи жойларида талабалар билан

қилди. Бунинг учун ҳар бир қочкинга 1,8 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Шунингдек, уларнинг йўлқираси ҳам Норвегия ҳисобидан бўлади.

Косово можароси кескинлашган вақтида Норвегияга олти минг нафар қочкин жойлаштирилган эди. Ўтган вақт давомида уларнинг мингдан ортиги ватанига қайтиб кетди. Қолганлари эса Косоводаги вазият ҳамон мураккаблигини назарда

иб кетгани сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, айна пайтда ушбу компанияга Грузиянинг 70 миллион, Арманистоннинг эса 30 миллион АҚШ доллари тенг миқдорда қарзи бор. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, 1999 йилда компания Грузияга 1,1 миллиард куб метр, Арманистонга 1,3 миллиард куб метр газ юборган.



полиция ўртасида кичик тўқнашувлар бўлиб турибди, холос.

Фавқулодда ҳолат саккизинчи апрел куни эълон қилинган эди. Бунга одамларнинг мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий-сиёсий ислохотлардан норози бўлиб, оммавий намойишларга чиққани сабаб бўлганди. Бу жиддий тўқнашувларни келтириб чиқарган ва натижада олти киши ҳалок бўлган, юзга яқин фуқаро эса жароҳатланганди.

ОСЛО. Норвегия ҳукумати мамлакатда истиқомат қилаётган косоволик албанларга ўз ватанига қайтишни таклиф

тутиб, қайтишни лозим топмай келяпти.

МОСКВА. Жорий йилда Россияда автомобил ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоизга ошади. Россия иқтисодиёт вазирлиги автомобил саноати бўлими бошлиғи Алексей Сереженкиннинг таъкидлашича, жорий йилда мамлакатда 1 миллион донадан ортиқ енгил ва 180 минг дона юк машинаси ишлаб чиқарилади.

МОСКВА. "ИТЕРА" компанияси Грузия ва Арманистонга берилаётган табиий газни икки баробар камайтирди. Бунга мазкур икки мамлакатнинг қарзи кўпай-

АНКАРА. Туркия ҳукумати АҚШдан қўшимча 40 дона "Си спэрроу" русумли ракета сотиб олиш ниятида. Уларнинг қиймати 12,7 миллион долларга тенг. Илгарироқ Туркия билан АҚШ ўртасида ҳарбий савдо шартномаси тузилган эди. Шартномага кўра, АҚШ томони Туркияга ушбу русумдаги 118 дона ракетани етказиб бериши керак.

БОГОТА. Колумбия инқилобий куролли кучлари исёнчилари қўшни Венесуэла ҳудудида гаровга олинган 8 кишини озод этди. Уларнинг олти нафари венесуэлалик бўлиб, қолган иккитаси - Испания ва Австралия фуқароларидир.

Хабарларга кўра, гаровдагилар Венесуэла президенти Уго Чавес билан исёнчилар ўртасида эришилган келишувдан сўнг озод этилган. Исёнчилар гаровдагиларни озод этиш учун президентга ҳеч қандай шарт қўймаган.

УММОН. Иорданияда "СОФЕКС-2000" деб номланган курол-яроғ ва ҳарбий техника кўрғазмаси очилди. Унда 40 мамлакатдан 125 фирма иштирок этмоқда. Кўрғазма Иордания подшоиси Абдулла Иккинчи ва мамлакатдаги қатор савдо-саноат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этилган.

"СОФЕКС-2000" уч кун давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАРИ ЯПОНИЯДА

Аваджи оролининг Хюго бошқарув ҳудудида дунёнинг кўпгина мамлакатлари иштирокида "Япония флораси 2000" Халқаро боғдорчилик-манзарали кўрғазмаси яқунланди.

Меҳмонлар (уларнинг сони 5 миллиондан ортиқ бўлди) кўрғазмага қўйилган экспонатлар ва видеофильмлар орқали сайёрамизнинг бой ва ранг-баранг табиати, таловда иштирок этувчи мамлакатларнинг тарихи ва маданияти ҳамда дунё халқларининг урф-одатлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Унинг экспозициясида Ўзбекистон республикаси илк бор муносиб намойиш этилди. Унда Ўзбекистон халқининг тарихи ва маданиятига оид амалий-манзарали санъат асарлари ва китоблар тақдим этилди. Мамлакатимиз тасвирий ойнасида лолаларнинг суратлари ва тоғ манзаралари ўз аксини топди.

"Гул — мамлакат элчиси" шиори остида ўтказилган дастур намойишида хорижлик гўзаллар ўз мамлакатларининг давлат байроғи ва рамзий гулини намойиш этишди. Ўзбекистон Президентининг "Умид" жамғармаси стипендианти, Япониянинг Хитоцубаси университети талабаси Лола Саидова миллий либосда ва ўзбек мусиқаси ҳамоҳанглигида лолаларни томошабинларга намойиш этди. Соҳибжамол юртдошимизнинг шундай норасмий "саҳна"га чиқши томошабинларда жонли қизиқиш уйғотди.

Дарвоқе, кунчиқар мамлакатдан яна бир қувончли хабар: кўрғазма-фестивал ташкилотчилари томонидан 2000 йилнинг 4 сентябри Ўзбекистон Республикаси куни деб эълон қилинди. Унинг тақдиротида мамлакатимизнинг мусиқа жамоаси таклиф этилиб, Япониянинг учта концерт заллари саҳналарида чиқишлар қилади.

Музаффар ЗОХИДОВ,
"Жаҳон" АА.
Токио

Тошкент алоқа колледжи бўлим мудири Фарита Хусановага отаси **Ахмаддон авангани** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўсиб келаётган ёш авлод ниҳолга ўхшайди. Уни қандай парваришласанг, шунга яраша ҳосил беради. Талабалар театр-студияларининг аънавий "Ниҳол-2000" фестивали ҳам ёшлар онгига юксак маънавият, ўзликини англаш, миллий ифтихор сингари эзгу гоёларни чуқурроқ сингдиришдек

нинг миллийлиги, ижрочилик маҳорати, гоёвий, бадий, тарбиявий аҳамиятига кўра Ўзбекистон Миллий Университети талабалар жамоасининг "Оқар дарё оқмасиди, жимгина" спектакли, ҳамда Тошкент Давлат Техника университети талабаларининг "Шайтон ва Фаришта" спектак-

"НИҲОЛ" ЯҚУНЛАНДИ

хайрли мақсадларни ўз олди-га қўйган. Ўзбекистон Миллий Университетининг Маданият саройида мазкур фестивал тантанали равишда ёпилди. Айтиш жоизки, республика олий ўқув юр்தларининг йигирмадан ортиқ жамоаси ўз саҳна асарини намойиш этган ушбу фестивал юртимиз ёшлари учун чинакам санъат байрамига айланди.

Намойиш этилган асарлар-

ли биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Бухоро Давлат университетининг "Уруш" ҳамда Қорақалпоғистон Давлат университетининг "Хаёт зарбаси" спектакли иккинчи ўринга, Фарғона Давлат университетининг "Тиконсиз типратикон" ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг "Суперқайнона" спектакли учинчи ўринга сазовор бўлди.

(ЎЗА)

БОШҚОТИРМА

Т	У	Н	О	З	Л	Л	А	М	И	Ш	Ў
Р	Р	С	Т	У	И	Т	П	О	А	Н	Й
Ў	К	И	А	Л	З	А	Л	С	Й	Ф	З
З	Н	О	М	Ф	З	И	А	А	Н	А	Л
М	А	Д	И	А	М	А	К	Х	А	С	А
Г	Л	И	М	Л	А	Л	Д	А	Р	А	К
Ў	З	К	А	Х	А	Р	И	Ч	И	Н	А
Л	А	К	А	Л	Т	Ғ	О	Ч	Б	А	Н

- ... пулдан қиммат (мақол) (4).
- "Хўжа" гуруҳининг хонандаси (9).
- Республикаimizдаги автомобиллар шаҳри (5).
- Эшакдан катта, отдан кичкина (5).
- "Кўнгил кўчалари" видеофильмида бош қаҳрамонлардан бирининг ролини ўйнаган актриса исми (5).
- Кундалик нашр (7).
- Баҳор элчиси (9).
- Овқат тури (7).
- "Хат" и бор қуш (6).
- Республикаimizдаги рўзномалардан бири (9).
- "Шаҳзод" гуруҳининг кўшиғи (8).
- Тропик мева (5).
- Шоҳ қизлари (6).
- Халқ дostonларидан бири (7).
- Қизларнинг қулоқ четидаги жамалаги (4).

Тузувчи: **Муродхўжа ЗОКИРХЎЖАЕВ**

"ДЎСТЛИК" ҲОЗИРЧА ПЕШҚАДАМ

Миллий чемпионатимизнинг VI тур баҳслари ҳам кимгадир олам-олам қувонч бахш этган бўлса, яна кимгадир аксинча. Ушбу турдан сўнг яқка пешқадам ўз ўрнини топди, дейиш мумкин. Ўтган йилги чемпион "Дўстлик" ўз майдонида Қаршининг "Насаф" жамоасига қарши шиддатли ўйин кўрсатди. Учрашув тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, 11 дақиқадаёқ мезбонлар пенальтидан ҳисобни очишди 1:0. "Ўз уйингда деворлар ҳам ёрдамчи" деганларидек, 23 дақиқага келиб тиниб-тинчимас М.Қурбоновнинг голидан сўнг "Дўстлик" ҳисобни яна оширди 2:0.

Ҳақмининг сўнги ҳуштаги янграгунча "Дўстлик" 3:2 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритиб, турнир жадвалида яқка пешқадамга айланди.

Ушбу турда майдон эгаларининг бирортаси ҳам мағлубиятга учрамади.

"Сўғдиёна" — "Хоразм"	1:0
"Гулистон" — "Турон"	5:0
"Пахтакор" — "Металлург"	2:0
"Семурғ" — "Трактор"	1:1
"Кимёгар" — "Сурхон"	1:1
"Темирйўлчи" — "Андижон"	1:1
"Самарқанд" — "Бухоро"	4:2
"Зарафшон" — "Қизилқум"	2:0

VI турдан сўнг "Дўстлик" 14, "Насаф", "Трактор" ва Навоийнинг "Зарафшон" жамоаси бир хил 13 очко жамғариб, юқори ўринларда боришмоқда.

Ушбу турнирнинг энг салбий томони шундаки, 31 футболчи огоҳлантирилиб, 4 таси майдондан четлатилди.

Шухрат ТОЖИЕВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 15 апрель сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

- Оху
- Олма
- Қовға
- "Постда"
- Сумалак
- Мухриддин
- Қарға
- Заргар
- Миробод
- Шоғуломов
- Фанта
- Ялпиз
- Билагузук

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Лайло КАРИМОВА**
Навбатчи муҳаррир **Зиёда АШУРОВА**



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.